

ISSN: 2181-1040
DOI: 10.26739/2181-1040
tadqiqot.uz/renaissance



JCAR

**JOURNAL OF CENTRAL
ASIAN RENAISSANCE**



VOLUME 5 | 2024
ISSUE 1

МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕНЕССАНСИ ЖУРНАЛИ

ЖИЛД 5, СОН 1

ЖУРНАЛ РЕНЕССАНСА ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ
ТОМ 5, НОМЕР 1

JOURNAL OF CENTRAL ASIAN RENAISSANCE
VOLUME 5, ISSUE 1



МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕНЕСАНСИ ЖУРНАЛИ

№1 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-1040-2024-1>

Бош муҳаррир:

МАДАЕВА ШАҲНОЗА ОМОНУЛЛАЕВНА

фалсафа фанлари доктори, профессор
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:

ЮСУПОВА ДИЛДОРА ДИЛШАТОВНА

фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети

Бош муҳаррир ўринбосари:

ХОЖИЕВ ТУНИС НУРКОСИМОВИЧ

фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕНЕСАНСИ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ВА ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ЖУРНАЛИ ТАҲРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ

МАДЖИДОВ ИНОМ УРУШЕВИЧ

Ўзбекистон Миллий университети ректори,
профессор (Ўзбекистон)

ҲАКИМОВ АКБАР АБДУЛЛАЕВИЧ

Ўзбекистон Фанлар академияси, Ўзбекистон Бадий академияси академиги, санъатшунослик фанлари доктори, профессор (Ўзбекистон)

МАРИАННА КАМП РУТЦ

Индиана университети ЕвроОсиё тадқиқотлари маркази профессори, тарих фанлари доктори (АҚШ)

ЖЎРАЕВ НАРЗУЛЛА ҚОСИМОВИЧ

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети профессори, сиёсий фанлар доктори (Ўзбекистон)

МАХМУДОВА ГУЛИ ТИЛАБОВНА

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошидаги “Фалсафа” илмий марказ раҳбари, фалсафа фанлари доктори, профессор (Ўзбекистон)

ИСЛОМОВ ЗОҲИДЖОН МАҲМУДОВИЧ

Ўзбекистон Халқаро ислом академияси илмий ва инновация ишлари бўйича проректори, филология фанлари доктори, профессор (Ўзбекистон)

КЛЭР РООСИЕН

Йел университети Славян тиллари ва адабиётлари кафедраси PhD доктори (АҚШ)

АНТонио АЛОНСО МАРКОС

Сан Пабло номидаги СЕУ университети профессори (Испания)

ШИРИНОВА РАИМА ҲАКИМОВНА

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети халқаро ишлар бўйича проректори, филология фанлари доктори, профессор (Ўзбекистон)

КАРИМОВ ЭЛЁР ЭРИКОВИЧ

Хофстра университети профессори, тарих фанлари доктори (АҚШ)

ГАБИТОВ ТУРСУН ҲАФИЗОВИЧ

Ал Форобий номидаги Қозоғистон Миллий университети профессори, фалсафа фанлари доктори (Қозоғистон)

ЮЛДАШЕВА ФАРИДА ХЎЖАМҚУЛОВНА

Андижон давлат университети “Фалсафа” кафедраси мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор. (Ўзбекистон)

МИРЗАХМЕДОВ АБДИРАШИД МАМАСИДИКОВИЧ

Наманган муҳандислик-технология институти профессори, фалсафа фанлари доктори (Ўзбекистон)

САФАРОВА НИГОРА ОЛИМОВНА

Навоий давлат педагогика институти фалсафа фанлари доктори, профессор (Ўзбекистон)

ИНАКОВ КОМИЛЖОН ҚОДИРЖОНОВИЧ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети доценти, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) (Ўзбекистон)

ТОШОВ ХУРШИД ИЛХОМОВИЧ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети доценти, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) (Ўзбекистон)

ДЖЎРАЕВА НИГОРА АВАЗОВНА

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети доц.в.б., фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) (Ўзбекистон)

МИРЗАХМЕДОВ ХУРШИД АБДИРАШИДОВИЧ

Наманган давлат университети в.б. доценти, социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) (Ўзбекистон)

ШУКУРОВ АКМАЛ ШАРОФОВИЧ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) (Ўзбекистон)

РЎЗИБОВЕВ ДОСТОНБЕК ДИЛМУРОД ЎҒЛИ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети PhD докторанти (Ўзбекистон)

Дизайн-саҳифаловчи: @tadqiqotdesign

КОНТАКТ РЕДАКЦИЙ ЖУРНАЛОВ. WWW.TADQIQOT.UZ

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

EDITORIAL STAFF OF THE JOURNALS OF WWW.TADQIQOT.UZ

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Главный редактор:

МАДАЕВА ШАХНОЗА АМАНУЛЛАЕВНА

доктор философских наук, профессор

Национального университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека

Заместитель главного редактора:

ЮСУПОВА ДИЛЬДОРА ДИЛЬШАТОВНА

доктор философии (PhD), по философским наукам, доцент
Университета Общественной безопасности Республики Узбекистан

Заместитель главного редактора:

ХОДЖИЕВ ТУНИС НУРКОСИМОВИЧ

доктор философских наук (PhD), Национальный
университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека

ЧЛЕНЫ РЕДКОЛЛЕГИИ НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКОГО И СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКОГО ЖУРНАЛА РЕНЕССАНСА ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

МАДЖИДОВ ИНОМ УРУШЕВИЧ

Ректор Национального университета Узбекистана,
профессор (Узбекистан)

ХАКИМОВ АКБАР АБДУЛЛАЕВИЧ

Академия наук Узбекистана,
академик Академии художеств Узбекистана,
доктор искусствоведения, профессор (Узбекистан)

МАРИАННА КАМП РУТЦ

профессор Центра Евроазиатских исследований
Университета Индианы, доктор исторических наук (США)

ДЖУРАЕВ НАРЗУЛЛА КАСИМОВИЧ

профессор Узбекского государственного университета
мировых языков, доктор политических наук (Узбекистан)

МАХМУДОВА ГУЛИ ТИЛАБОВНА

руководитель Научного центра «Философия» при
Национальном Университете Узбекистана имени Мирзо
Улугбека, доктор философских наук, профессор (Узбекистан)

ИСЛОМОВ ЗОХИДЖОН МАХМУДОВИЧ

проректор по научным исследованиям и инновациям
Международной исламской академии Узбекистана,
доктор филологических наук, профессор (Узбекистан)

КЛЭР РООСИЕН

PhD доктор кафедры
Славянских языков и литературы
Йельского университета (США)

АНТонио АЛОНСО МАРКОС

профессор Университета
CEU имени Сан Пабло (Испания)

ШИРИНОВА РАИМА ХАКИМОВНА

проректор по международным связям
Национального Университета Узбекистана
имени Мирзо Улугбека, доктор филологических наук,
профессор (Узбекистан)

КАРИМОВ ЭЛЁР ЭРИКОВИЧ

профессор Университета Хофстра,
доктор исторических наук (США)

ГАБИТОВ ТУРСУН ХАФИЗОВИЧ

профессор кафедры религиоведения и культурологии
Казахского Национального Университета имени Аль-Фараби,
доктор философских наук (Казахстан)

ЮЛДАШЕВА ФАРИДА ХОДЖАМКУЛОВНА

заведующая кафедрой «Философия» Андижанского
государственного университета, кандидат
философских наук, профессор. (Узбекистан)

МИРЗАХМЕДОВ АБДИРАШИД МАМАСИДИКОВИЧ

профессор Наманганского инженерно-технологического
института, доктор философских наук (Узбекистан)

САФАРОВА НИГОРА ОЛИМОВНА

Навоийского государственного педагогического института,
доктор философских наук, профессор (Узбекистан)

ИНАКОВ КАМИЛЖОН КАДЫРЖАНОВИЧ

доцент Национального Университета Узбекистана
имени Мирзо Улугбека, доктор философии (PhD)
по педагогическим наукам (Узбекистан)

ТОШОВ ХУРШИД ИЛХОМОВИЧ

доцент Национального Университета Узбекистана
имени Мирзо Улугбека, доктор философии
по философским наукам (PhD) (Узбекистан)

ДЖУРАЕВА НИГОРА АВАЗОВНА

и.о. доцент Национального Университета Узбекистана
имени Мирзо Улугбека, доктор философии
по философским наукам (PhD) (Узбекистан)

МИРЗАХМЕДОВ ХУРШИД АБДИРАШИДОВИЧ

и.о. доцент Наманганского государственного университета,
доктора философии (PhD) по социологическим наукам
(Узбекистан)

ШУКУРОВ АКМАЛ ШАРОФОВИЧ

Национального Университета Узбекистана имени Мирзо
Улугбека, доктор философии по философским наукам (PhD)
(Узбекистан)

РЎЗИБОВЕВ ДОСТОНБЕК ДИЛМУРОД ЎҒЛИ

докторант кафедры Философии и логики Национального
Университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека (Узбекистан)

Дизайн-верстка: @tadqiqotdesign

КОНТАКТ РЕДАКЦИЙ ЖУРНАЛОВ. WWW.TADQIQOT.UZ

ООО Tadqiqot город Ташкент,

улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

EDITORIAL STAFF OF THE JOURNALS OF WWW.TADQIQOT.UZ

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,

Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Chief Editor:

MADAEVA SHAKHNOZA AMANULLAEVNA

Doctor of Philosophical Sciences (DSc), Professor
The National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

Deputy Chief Editor:

YUSUPOVA DILDORA DILSHATOVNA

Doctor of Philosophy (PhD), in Philosophical Sciences,
Associate Professor of the University of Public Security
of the Republic of Uzbekistan

Deputy Chief Editor:

KHODZHIEV TUNIS NURKOSIMOVICH

Doctor of Philosophy (PhD), National University
of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

MEMBERS OF THE EDITORIAL BOARD OF THE SCIENTIFIC-THEORETICAL AND SOCIO-PHILOSOPHICAL JOURNAL OF CENTRAL ASIAN RENAISSANCE

MADJIDOV INOM URUSHEVICH

Rector NUUZ, Professor (Uzbekistan)

KHAKIMOV AKBAR ABDULLAEVICH

Academy of Sciences of Uzbekistan,
Academician of the Academy of
Arts of Uzbekistan, Doctor of
Art History, Professor (Uzbekistan)

MARIANNE KAMP RUTZ

Professor of the Center for Eurasian Studies
at Indiana University, Doctor of History (USA)

DZHURAEV NARZULLA KASIMOVICH

Professor of the Uzbekistan State
University of World Languages,
Doctor of Political Sciences (Uzbekistan)

MAKHMUDOVA GULI TILABOVNA

Head of the Scientific Center "Philosophy"
at the National University of Uzbekistan
named after Mirzo Ulugbek, Doctor of
Philosophical Sciences, Professor (Uzbekistan)

ISLAMOV ZOHIDJON MAKHMUDOVICH

Vice-Rector for Research and Innovation of the
International Islamic Academy of Uzbekistan,
Doctor of Philological Sciences, Professor (Uzbekistan)

CLAIRE ROOSIEN

Department of Slavic Languages and Literature
of the Yale University, PhD (USA)

ANTONIO ALONSO MARCOS

Professor of the University of CEU
named after San Pablo (Spain)

SHIRINOVA RAIMA KHAKIMOVNA

Vice-Rector for International Affairs of the National
University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek,
Doctor of Philological Sciences, Professor (Uzbekistan)

KARIMOV ELYOR ERIKOVICH

Professor of the Hofstra University,
Doctor of Historical Sciences (USA)

GABITOV TURSUN KHAFIZOVICH

Professor of the Al-Farabi Kazakh National University,
Doctor of Philosophical Sciences (Kazakhstan)

YULDASHEVA FARIDA KHOJAMKULOVNA

the head of the "Philosophy" department of Andijan
State University, DSc, professor. (Uzbekistan)

MIRZAKHMEDOV ABDIRASHID MAMASIDIKOVICH

Professor of the Namangan Institute of Engineering
and Technology, Doctor of Philosophical Sciences (Uzbekistan)

SAFAROVA NIGORA OLIMOVNA

the Nava'i State Pedagogical Institute, Doctor
of Philosophical Sciences, Professor (Uzbekistan)

INAKOV KOMILJON KODIRJONOVICH

Associate Professor of the National University
of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek,
Doctor of Philosophy (PhD) (Uzbekistan)

TOSHOV KHURSHID ILKHOMOVICH

Associate Professor of the National University
of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek,
Doctor of Philosophy (PhD) (Uzbekistan)

JURAEVA NIGORA AVAZOVNA

Associate Professor of the National University
of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek, (PhD) (Uzbekistan)

MIRZAKHMEDOV KHURSHID ABDIRASHIDOVICH

Acting Associate Professor of
Namangan State University, Doctor of Philosophy
(PhD) on Sociological Sciences (Uzbekistan)

SHUKUROV AKMAL SHAROFVICH

The National University of Uzbekistan named
after Mirzo Ulugbek, PhD (Uzbekistan)

RO'ZIBOEV DOSTONBEK DILMUROD O'G'LI

doctoral student of the National University of Uzbekistan
named after Mirzo Ulugbek, (Uzbekistan)

Design-pagemaker: @devdasdesign

КОНТАКТ РЕДАКЦИЙ ЖУРНАЛОВ. WWW.TADQIQOT.UZ

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

EDITORIAL STAFF OF THE JOURNALS OF WWW.TADQIQOT.UZ

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT


1. Мадаева Шахноза Омонуллаевна ИСТИБДОД АСРИНИНГ МАДАНИЙ КАПИТАЛИ ЁКИ САҚЛАНИБ ҚОЛИНГАН МИЛЛАТ ФЕНОМЕНИ (Профессор Ҳамидулла Акбаров асарлари асосидаги таҳлил).....	7
2. Файзиходжаева Дилбар Иргашевна ШАРҚ УЙҒОНИШ ДАВРИДА МАНТИҚ ИЛМИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ.....	13
3. Отаматов Музаффар Абдурашидович ЎЗБЕКИСТОН ВА ТОЖИКИСТОНДАГИ ДИНИЙ КОНФЕССИЯЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ РЕТРОСПЕКТИВ ТАҲЛИЛИ.....	19
4. Kandov Bahodir Mirzayevich, Alimukhamedova Nodira Yadgarovna THE INTEGRATION OF THE RENEWING UZBEKISTAN INTO THE WORLD COMMUNITY AND GLOBAL ENVIRONMENTAL PROBLEMS.....	28
5. Djurayev Avaz Akhmedjanovich SOCIAL AND PHILOSOPHICAL PROBLEMS OF DIGITALIZATION PROCESSES IN UZBEKISTAN.....	36
6. Саитмуродов Жобиржон Боймурод ўғли ГЕГЕЛЬНИНГ ТАРИХ ФАЛСАФАСИДА ИНСОН МОҲИЯТИ ЭВОЛЮЦИЯСИ.....	43
7. Маматқулов Санжар Тошпўлатович ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ФАЛСАФАНИНГ ЎҚИТИЛИШИ: ТАРИХИЙ ДИСКУРС.....	51
8. Djurayeva Nigora Avazovna SYSTEM ANALYSIS OF PHILOSOPHICAL CATEGORIES “CIVILIZATION”, “CULTURE” IN THE CONTEXT OF THE PARADIGM OF SOCIAL EXISTENCE.....	59
9. Тошов Хуршид Илхомович ОНГНИ МАНИПУЛЯЦИЯЛАШ ШАКЛЛАРИНИНГ ЦИВИЛИЗАЦИОН ДАВРЛАРДАГИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ.....	67
10. Шамсутдинова Нигина Каримовна СУФИЙСКАЯ СУЩНОСТЬ ПОНЯТИЯ “ДУША” В ВОЗЗРЕНИЯХ АБУ АЛИ ИБН СИНЫ.....	77
11. Zhang Lei SYSTEMATIC PHILOSOPHICAL ANALYSIS OF THE MECHANISM OF THE "BELT AND ROAD" PROPOSED BY CHINA.....	83
12. Рўзибоев Достонбек Дилмурод ўғли ЭДВАРД САИД ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ГЕНЕЗИСИ ВА “ОРИЕНТАЛИЗМ” АСАРИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ ТАҲЛИЛИ.....	90
13. Гулямов Хуршид Жамшетович РАЗРАБОТКА ТРЕБОВАНИЙ К НАУЧНО-ПОНЯТИЙНОМУ АППАРАТУ «КАНОНА МЕДИЦИНСКОЙ НАУКИ».....	102
14. Норбоев Жавлон Акбарали ўғли МУҲИДДИН ИБН АЛ-АРАБИЙНИ ШАРҚ МУСУЛМОН ОЛАМИДА ТУТГАН ЎРНИ ВА УНИНГ ФАЛСАФАСИНИ ЕВРОПАГА ТРАНСФОРМАЦИЯСИ.....	110

МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕНЕССАНСИ ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ РЕНЕССАНСА ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ
JOURNAL OF CENTRAL ASIAN RENAISSANCE

ISSN: 2181-1040
www.tadqiqot.uz

Маматкулов Санжар Тошпўлатович
Ренессанс таълим университети
«Ижтимоий-сиёсий фанлар» кафедраси доценти
фалсафа фанлари бўйича PhD
E-mail: 1984sanjar@mail.ru

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ФАЛСАФАНИНГ ЎҚИТИЛИШИ: ТАРИХИЙ ДИСКУРС

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.12170539>

АННОТАЦИЯ

Мақолада фалсафанинг ўқув курси сифатида олий таълимдаги ўрни, университет фанлари тизимидаги мақоми ва ижтимоий аҳамияти тарихий контекстда очиб берилган. Шунингдек, олий таълимдаги замонавий ўзгаришларнинг фалсафий фанларга бўлган таъсири, прагматизм тенденциясининг кучайиши ва унинг фалсафий таълим инкирозининг детерминантига айланиши каби масалалар ҳам таҳлил этилган. Мақолада фалсафий таълимни замонавий талабларга мослаштириш, мутахассис кадрлар учун зарур компетенцияларни шакллантиришга йўналтириш ҳамда фалсафий таълимни юқори босқичга олиб чиқиш борасида таклифлар келтирилган.

Калит сўзлар: фалсафа, фундаментал муаммо, амалий муаммо, прагматизм, ихтисослашув, интеграция, компетенция.

Маматкулов Санжар Тошпўлатович
Доцент кафедры, PhD
«Социальных и политических наук»
Образовательный университет «Ренессанс»
E-mail: 1984sanjar@mail.ru

ПРЕПОДАВАНИЕ ФИЛОСОФИИ В СИСТЕМЕ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ: ИСТОРИЧЕСКИЙ ДИСКУРС

АННОТАЦИЯ

В статье раскрывается место философии как курса высшего образования, ее статус в системе университетских наук, ее социальная значимость в историческом контексте. Также анализируется влияние современных изменений в высшей школе на философские науки, усиливающаяся тенденция прагматизма и ее превращение в детерминанту кризиса философского образования. В статье вносятся предложения адаптировать философское образование к современным требованиям, направить формирование необходимых компетенций у кадров-специалистов, вывести философское образование на более высокий уровень.

Ключевые слова: философия, фундаментальная проблема, практическая проблема, прагматизм, специализация, интеграция, компетентность.

Mamatkulov Sanjar Toshpulatovich
Renaissance Educational University
Associate Professor of the Department of
«Social and Political Sciencies»
E-mail: 1984sanjar@mail.ru

TEACHING PHILOSOPHY IN HIGHER EDUCATION: A HISTORICAL DISCOURSE

ABSTRACT

The article reveals the place of philosophy as a course in higher education, its status in the system of university sciences, and its social importance in the historical context. The influence of modern changes in higher education on philosophical sciences, the increasing trend of pragmatism and its becoming a determinant of the crisis of philosophical education are also analyzed. In the article, proposals are made to adapt philosophical education to modern requirements, to direct the formation of necessary competencies for specialist personnel, and to bring philosophical education to a higher level.

Keywords: philosophy, fundamental problem, practical problem, pragmatism, specialization, integration, competence.

Кириш ва мавзунинг долзарблиги. Дунёда ўз ўрнини англашга, қадриятларни аниқлашга, кенг фикрлашга ҳаракат қилувчи ҳар бир инсон шубҳасиз фалсафий билимларга мурожаат қилади. Шу боисдан ҳам, олий таълимда фалсафани ўқитиш муҳим аҳамият касб этади, чунки фалсафий билимлар ўзининг дунёқарашни шакиллантириш, эпистемологик, аксиологик ва методологик функцияларини амалга ошириши билан жамиятнинг профессионал элитасини шакллантиришда муҳим роль ўнайди. Оксфорд университети профессори М. Дамметнинг таъкидлашича «фалсафа инсон донолигидан иборатдир» [1, 14].

Методлар ва ўрганилганлик даражаси. Қадимги юнонлар «фалсафа барча фанларнинг онаси» эканлигига ишонганлар. Шунингдек, университет таълими тарихида Ўрта асрлардан бошлаб, Фалсафа факультети асосий мақомга эга эди, у бир қатор «олий» деб аталувчи факультетлар – тиббиёт, ҳуқуқшунослик ва теология соҳаларида ўқитиш учун зарур билимларни яратди. Кейинчалик И. Кант бу масалада шундай деб ёзган эди: “Ҳар бир университетда ҳам шундай бўлим бўлиши керак, яъни фалсафа факультети. У учта олий бўлимни бошқариш учун хизмат қилади ва шу билан улар учун фойдали бўлади, чунки энг муҳими ҳақиқатдир. Олий факультетларнинг давлат мақсадлари учун ваъда қилган фойдаси фақат иккинчи даражалидир”[2, 257].

Афсуски, ҳозирги пайтда, фалсафа ҳар доимгидек ўз мақомини ҳар жойда, айниқса университетда ҳимоя қилиши керак. Университет таълими тарихида фалсафа мавқеининг энг таниқли ҳимоячилари XVIII-XIX асрлардаги немис фалсафаси классиклари бўлиб, улар университет таълимида фалсафанинг ўрни ҳақида конструктив мунозарани бошлаб, унинг фаолияти соҳасини, бошқа фанлар билан таққосан аҳамиятини аниқладилар, фалсафий таълим ва фалсафа факультети ривожига тамал тошини қўйдилар, фалсафанинг ижтимоий ҳаётдаги юксак мақомини асосладилар.

И.Кант (1724-1804) «Факультетлар баҳси» (1798) асарида Фалсафа факультетининг факультетлар иерархиясидаги мақоми тўғрисида фикр юритган ва университет таълимида фалсафа фанининг ролини асослаган. У факультетларнинг қуйи ва олий даражаларга ажратилиши университет ва фаннинг эмас, балки давлатнинг эҳтиёжлари билан боғлиқ, деб ҳисоблаган. “Ҳуқумат, авваламбор, халққа энг кучли ва узоқ муддатли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган воситалар билан қизиқади ва булар «олий» деб ҳисобланувчи факультетлардир” [2, 324] дейди аллома. И.Кантнинг сўзларига кўра, фақат энг қуйида жойлашган фалсафий факультет илм-фан эҳтиёжларига ғамхўрлик қилади ва ўзларининг илмий принципларини мустақил равишда ўзгартириш ҳамда такомиллаштириш ҳуқуқига эга эди. Файласуф нуктаи назарига кўра, давлатдан мустақил факультетнинг мавжудлиги

зарурдир, чунки барча буйруқларни бемалол муҳокама қила оладиган айнан шу факультет эди, унинг вазифаси ҳақиқатни жамиятга етказиш эди. Ушбу факультетнинг эркинлигига қарамай “пастрок”дан ўрин олганлиги файласуф томонидан буйруқ берувчилар учун бажарувчилар ҳар доим буюртма бера олмайдиганларига қараганда кўпроқ муҳимроқ сифатида баҳоланиши билан изоҳланган.

Куйи фалсафа факультети таълимнинг ҳаққонийлиги учун жавобгар эди, эркин ва мустақил равишда ҳукм юрита оларди, фақат ақл қонунларига бўйсунар эди. У учта юкори бўлимни назорат қилди ва шу йўл билан ҳақиқатни юзага чиқарди, унинг ижтимоий фойдаси ҳам шу эди аслида. «Охир оқибат эркин бўлишни исташ, шунингдек, барча фанлар манфаати учун ҳақиқатни эркин қидириш ва уни олий бўлимларга тақдим этиш – буларнинг барчаси фалсафа факультетининг муҳим хусусияти» [2, 324] эди. Давлатнинг фалсафа факультети фаолиятини таъқиқлашга ҳаққи йўқ ва бошқа факультетлар унинг баёнотларини инобатга олишлари анъана тусини олган эди.

Университетдаги фанлар орасида фалсафанинг ўрни тўғрисида Фридрих Шлейермахер (1768-1834) ўзининг «Германия университетлари ҳақидаги тасодифий фикрлар» асарида (1808) алоҳида тўхталган. Унинг таъкидича, ҳамма нарса фалсафадан бошланади. Университет ҳаёти онг ва унинг ривожланиши барча ҳақиқий билимларнинг зарурий шarti ва муҳити эканлигига асосланди. Университетда соф фалсафа, яхлитликка бўлган иштиёқ ва барча билимларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда билимнинг табиати ўзини намоён қилди. Шлейермахер сўзларига кўра, бирон бир илмий асарнинг услуги, тили, ифодаси фалсафий тафаккур услуги билан ифода этилмаса илмий фаолият имконсиздир. Шундай қилиб, университетлар фалсафий тадқиқотлар умуман ўрганиладиган барча нарсанинг асоси эканлигини тан олди.

XIX асрда Вилгелм Гумболдт (1767-1835) томонидан илгари сурилган тамойиллар ва идеаллар (фан эркинлиги, таълим ва тадқиқотларнинг бирлиги, фан сифатидаги таълим) фалсафий таълимда амалга оширилган, уни амалга ошириш механизмида мужассамланган ва ижтимоий-гуманитар фанлар мажмуасининг ўсиб бораётган аҳамиятига таъсир кўрсатган. Олим мактабда ҳам, университетда ҳам фалсафий таълимнинг аҳамиятига урғу берган. Унинг фикрига кўра, фалсафий таълим ҳар қандай факультетда математик, ижтимоий-тарихий ва фалсафий-лингвистик тафаккурнинг ривожланишига ҳисса қўшади [3, 232]. Натижада, В. Гумболдт И. Кантдан кейин умумий таълим мафкурасини ҳимоя қилади ва фалсафий таълимдан махсус касбни яратиш мумкин эмаслигини тасдиқлайди. Олим учун фалсафа барча фанларнинг «тожи»га ёки турли фанларни қўллаш соҳасига айланади ва фалсафанинг умумий таълими предметнинг ўзида эмас, балки бошқа университет фанлари доирасидаги фалсафий асосда бўлади. Натижада, фалсафий фикрлаш ўрганилган барча фанларнинг таркибий қисмига айланади. Фалсафий таълимнинг вазифаси объектив фанни субъектив таълим билан боғлашдир. В.Гумболдт ёндашувига биноан университетлар асосан гуманитар фанларга йўналтирилган эди, бу эса фалсафий билимларнинг тобора оммалашиб боришига ижобий таъсир кўрсатди.

Кейинчалик Георг Гегель (1770–1831) фалсафий таълим масалаларига мурожаат қилди ҳамда фалсафий фанларни ўқитиш ва ташкил этиш бўйича кўрсатмаларга эътибор қаратди. У ўзининг «Университетларда фалсафани ўқитиш тўғрисида» (1816) ва «Гимназияларда фалсафани ўқитиш тўғрисида» (1821) каби маърузаларида талабага фалсафани ўқитишнинг мазмун-моҳияти ҳақида энг муҳим ғояларни баён қилган. Таълим муаммолари бўйича ёзган асарларида Гегель фалсафий фанларни таълимнинг бошланғич босқичида – гимназия таълими соҳасида ўқитиш масалаларига эътибор қаратади: фалсафий билимларни аввало у ерда олиш керак, чунки бу руҳиятни ривожлантириш, фалсафий тафаккурни шакллантириш ва қадимий тилларни ўрганишда тайёргарлик босқичидир. Файласуф гимназия таълими масаласига мурожаат қилади, чунки у шахсни кейинги таълим учун пойдеворларни шакллантиради. “Фалсафа ўқув фани сифатида, – дейди Гегель, – таълим ва тафаккур машқлари билан шуғулланиш керак” [4, 424].

Шундай қилиб, немис мутафаккирлари замонавий жамият эътиборсиз қолдирадиган бир қатор қадриятларни, университет таълимидаги фалсафанинг мақомини тўғри баҳоладилар. Дарҳақиқат, биринчидан, танқидий таҳлил қилиш қобилияти билан ақл қонунларига бўйсунадиган ягона факультет – фалсафа факультети эди. Иккинчидан, Фалсафа факультети ва фалсафий тафаккур услубини ўқитиш университетда илм-фан ривожига ҳисса қўшиб, жамият учун фойда келтирди, бу эса тафаккур эркинлиги туфайли мумкин эди. Учинчидан, назарияда илгари сурилган ғоялар Германия университетларида амалиётга татбиқ этилди, таълимни инсонпарварлаштириш ва Берлин университети моделида Гумболдт тамойилларини ҳаётга татбиқ этиш амалга оширилди. Шундай қилиб, фалсафий таълим ва тафаккур апаратини фалсафийлаштириш классик университет таълимининг ажралмас қисми бўлиб қолди.

Муҳокама. Замонавий жамиятда ижтимоий ва гуманитар фанларнинг, шу жумладан фалсафанинг университет таълимидаги мавқеининг тушиб бориши тенденциясини кузатиш мумкин. Замонавий университетда фалсафанинг ўрни, унинг мазмуни, роли ва аҳамияти ҳақидаги мунозаралар замонамиз файласуфлари томонидан тез-тез кўтарилмоқда. Муаллифларнинг таъкидлашича, «қайта қуриш», «бирлашиш», «қўшилиш» ва бошқа маъмурий ўзгаришлар охир-оқибат университет таълимининг ажралмас асосий элементи бўлган фалсафани йўқ қилиш тенденциясидан далолат беради ва бу аллақачон кўплаб университетларни босиб ўтди. Беларус файласуфи Н.Семенов таъкидлаганидек, ҳозирги университетлар учун «камроқ ижодкорлик, кўпроқ филтрланган ва махсус пакетланган маълумотлар, фикрлаш эмас, балки танланган ва дозаланган нарсани аниқ билиш муҳимдир» [5, 7].

Фан ва таълимдаги прагматик ёндашув фалсафий билимларнинг жамиятда сақланиб қолишига таҳдид солади, чунки унинг фойдасини иқтисодий кўрсаткичлар орқали акс эттириш қийин. Ушбу умумий тенденция тиббиёт мактабларига ҳам таъсир кўрсатди. Тиббиёт мутахассислари ва тиббиёт университети талабалари ўртасида фалсафанинг тиббий фаолиятдаги ўрни ва аҳамияти етарлича баҳоланмайди. Бундай муносабат дастурларда фалсафага сарфланган соатларнинг қисқаришида яққол кўзга ташланади, бу эса талабаларни ушбу предметни ўрганишга нисбатан бефарқ ва скептик қарашларни келтириб чиқаради.

Бундай вазиятда қарор қабул қилувчиларнинг эътиборини жалб қилиш, тиббиёт мутахассиси таълими ва касбий фаолияти учун фалсафий таълимнинг ўрни ва аҳамиятини асослаш жуда муҳимдир. Маълумки, фалсафани ўрганиш ҳар томонлама ривожланган шахсни шакллантиришга ҳисса қўшади, танқидий фикрлаш, атрофдаги воқеликни ҳар томонлама, объектив баҳолаш кўникмаларини ҳамда фикрлашнинг оқилона ва мантикий асосларини яратади. Бўлажак мутахассисларнинг маданий ривожланишида фалсафа муҳим роль ўйнайди. Гиппократ таъкидлаганидек: «Охир оқибат файласуф Худо билан тенгдир. ... Ақл-идроққа алоқадор ҳамма нарса: бойликка ўч бўлмаслик, виждонлилик, камтарлик, хурмат, фикрлар, билимларнинг кўплиги – буларнинг барчаси тиббиётда» [6, 8].

Рус файласуфи А.М. Руткевичнинг «Олий таълим тарихида фалсафа» китобида қадимги дунёдан бошлаб бизнинг кунларимизга қадар бўлган Европа мамлакатларининг турли хил тарихий даврларида таълим тизимларидаги фалсафанинг позицияси ҳақида батафсил маълумот берилган. Ўқув фани сифатида фалсафанинг ҳозирги ҳолати ҳақида гапирганда, муаллиф университетларда маълум бир тор ихтисосликка эга бўлган европалик талабаларнинг аксарияти учун фалсафанинг кераксиз бўлиб қолганлигини таъкидлайди. Кўп мамлакатларда улар фалсафани лицейлар ёки гимназияларда жуда катта ҳажмда (ўқиш муддати 1,5-2 йилгача) таништиришади. Испанияда ҳаттоки фалсафа бўйича мажбурий имтиҳон мавжуд бўлиб, у коллежга киришда таклиф этилади. Агар бундай курс талабанинг университетгача бўлган таълимида ўтилган бўлса, унда у университетда ўқимаслиги мумкин. Америка ва Европа университетларида фалсафа танлов фани ҳисобланади. У адабий ва фалсафий матнлар билан танишиш ёки танқидий фикрлаш курси сифатида белгиланадиган кенгроқ курсларга киритилиши мумкин. «Яхши ҳолатда, – дейди А.М. Руткевич, – фалсафа бўйича курслар инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатларда аналитик фалсафанинг асосларини ёки Европа

мамлакатларига тарихий ва фалсафий киришни ўз ичига олади». Шу билан бирга А.М. Руткевич бўлажак мутахассислар ва зиёлиларда фалсафага эҳтиёж катта эканлиги ҳақида гапиради. Унинг таъкидлашича, университетдаги фалсафанинг ҳозирги мавқеига қарамай, ҳақиқий тадқиқотчи ва фан билан шуғулланувчи киши ҳали ҳам метафизикага муҳтож, аммо шунга қарамай, «аввалги даврларда бўлгани каби, фалсафага қизиқувчилар анча кам» [7, 51].

Атоқли физик олим А. Эйнштейн ҳам ўз даврида ўзига хос «фалсафий оппортунизм» га қарамай, олимлар янги фундаментал назарияларни яратишда фалсафага мурожаат қилишга мажбур бўлишганлигини таъкидлайди. «Билимлар назарияси, – деб ёзади А. Эйнштейн, – фан билан алоқа қилмаса «ғовак» схемага айланади. Билимлар назариясисиз эса илм-фан ибтидоий ва бўш нарсага айланади» [8, 321].

Гуманитар таълимнинг аҳамиятини яхши тушунган яна бир таниқли физик — назариётчи В.Гейзенберг, унинг мазмуни амалий фаолиятда ҳар доим ҳам қўлланилмаслигига қарамай фалсафанинг жуда фойдали эканлигини таъкидлайди. Юзаки амалийчиликни танқид қилган В.Гейзенберг шундай ёзади: «Бизнинг Ғарбий Европа маданиятининг бор куч-қудрати амалий муаммоларни эмас, балки фундаментал муаммоларни шакллантириш билан чамбарчас боғлиқдир». Кўпчилик фалсафий таълимни фақат молиявий жиҳатдан «ўзига тўқ» бўлганлар учун керак бўлган ҳашаматли нарса, деб ҳисоблашади. Бироқ, эртами-кечми ўз фаолиятида керакли натижага эришишга интилаётган олимлар бу ноёб қобилият – фундаментал муаммоларнинг шаклланишини ўрганишларига тўғри келади. «Сўнгги ўн йилликларда, – деб ёзади В.Гейзенберг, – турли хил табиатшунослик фанлари ўртасидаги боғлиқлик аввалгидан кўра кўпроқ сезиларли бўлди. Ҳамма жойда уларнинг умумий манбаи тан олинади ва бу умумий манба охир оқибат кўҳна тафаккурда ётади» [9, 7]. Олимнинг фикрини давом эттириб шуни таъкидлашимиз мумкинки, барча фанларнинг бирлаштирувчи риштаси ва умумий манбаи фалсафадир. Фанлар сўнгги пайтларда фаол қаршилиқ кўрсатганига қарамай, фалсафий асос ва муаммолардан озод бўла олмайди. Фундаментал муаммоларни баён қилиш ҳар қандай позитив фан учун зарурий ҳаракат бўлиб, унинг олдида «ўта кескин» саволлар пайдо бўлаверади. Жавоб излашда фан ўзининг асослари ва келиб чиқишига мурожаат қилади ва табиийки у ерда муқаррар равишда фалсафа билан учрашади. Фалсафа нарсаларга нисбатан анъанавий қарашга шубҳа туғдиради, муаммоларга бошқа нуқтаи назардан қарашга ҳаракат қилади. Умум қабул қилинган муносабат, тушунча ва ғояларнинг соғлом скептицизми фундаментал ва амалий фанларни тадқиқ қилишда зарурдир.

Нейрология соҳасидаги таниқли рус олими, биолог ва психоллингвист Т.Черниговская ўзининг «Тил ва мия» маърузасида таъкидлаганидек, табиий фанлар билимларини ривожлантиришда гуманитар фанларнинг аҳамияти ҳозирда кўплаб табиатшунослар томонидан тан олинмайди. Олимнинг позицияси эса аксинча. Т. Черниговская гуманитар фанлар фалсафасига алоҳида урғу беради, чунки у когнитив фанлар соҳасининг замонавий тадқиқотларида муҳим вазифани бажара олади. Ушбу фанлар шунчалик оммалашиб кетдики, ҳар куни маълумот ва тадқиқотлар оқими тобора кўпайиб бораверади, лекин аввал саволни тўғри белгилаш керак бўлади: мияни текшириш орқали нимани топмоқчимиз? Бундан ташқари, Т.Черниговская фалсафанинг муҳимлигини ҳам тушунади, чунки у ўзига хос «тушунтирувчи куч» ролини ўйнайди, чунки акс ҳолда инсоннинг когнитив фаолияти фақат «таркибий элементлар» сифатидагина кўриб чиқилиши мумкин.

Яна бир рус олими А.М. Пятигорский шундай ёзади: «Фалсафанинг аҳамияти шундаки, унга ҳеч ким муҳтож эмас» ва таълим тизимини фалсафага совуқ муносабатда бўлганлиги учун танқид қилиш ҳам унчалик тўғри иш эмас. Аммо сиз бу ҳақда ўйлаб кўришингиз керак: агар биз ҳаётимиздан «ихтиёрий» тарзда кераксиз деб ҳисоблаган ҳамма нарсани олиб ташласак, амалий характерга эга бўлмаган нима қолади? Бундай йўл ҳаёт хилма-хиллигининг торайишига, ҳаддан ташқари рационализмга, иккинчи даражали маънавий кадриятларга олиб келмайдими?

Бугунги кунда фалсафа фанга хос бўлмаган функцияларни бажарадиган маданиятнинг бир қисмидир. Ҳолбуки, таълим тизимида эмпирик, маҳсус ва касбий билимлар талаб қилинади. Фалсафа курсининг вазифаси маълум билимлар тўплами ёки маълумотларни

етказиш эмас. М.Мамардашвилининг сўзларига кўра, фалсафа билимларни ўргатмайди, чунки «фалсафий билимларни шакллантириш ҳар доим алангаланадиган, бошқа ҳаракатларга воситачилик қиладиган ички ҳаракатдир» [10, 14].

Фалсафа инсондан дунёни, ундаги ўрнини англашни талаб қилади. Фалсафа талабанинг шахсий ижодий эркин фикрини шакллантирадиган билимларни беради. Замонавий компетенцияга асосланган ёндашув доирасида таълим энди шунчаки билим олишга ва мустаҳкамлашга қаратилмасдан, балки мавжуд билимларни доимий ўзгарувчан ҳозирги ва олдиндан айтиб бўлмайдиган келажақда қўллаш кўникмаларини шакллантиришни талаб қилади. Шу сабабли, фалсафа курси битирувчиларнинг шахсий ва касбий фазилатларини ривожлантириш учун зарур бўлган умумий маданий компетенцияларни шакллантиришда муҳим роль ўйнайди.

Сўнгги йилларда глобал террорчилик ва янги жаҳон уруши таҳдиди тобора кучайиб бораётгани муносабати билан шафқатсизлик ва зўравонликнинг кенг тарқалиши таълимнинг олдида гуманистик тафаккурни ривожлантириш, инсон дунёқарашида ахлоқий, ижтимоий ва эстетик мўлжалларни шакллантиришдан иборат вазифаларни кўймоқда. Шунинг учун ҳам рус файласуфи ва культурологи В.С. Библер «замонавий фикрлаш ва фаолият шакллариининг хусусиятларига асосланиб, таълимнинг маъносини янгича тушуниш керак» [11, 21] деб ҳисоблайди. Ўқимишли одам, унинг фикрича, «маданият одами» – умуминсоний, билимли, маърифатли, нафақат фикрлаш ва фаолиятнинг мавжуд шакллариини қабул қилиш ҳамда ўзлаштиришга қодир, балки турли маданиятларни, кадриятларни ва семантикаларни бирлаштирган ҳолда уларнинг асосларини ислоҳ қилиш имкониятига эга бўлиши лозим. Таълим нафақат билим билан таъминлаши, балки уни эгаллаш йўлини ҳам кўрсатиши керак. Университет таълимида, бизнинг фикримизча, фалсафа ва фалсафий фанлар бундай вазифаларни бажаришга кўпроқ масъулдирлар.

М.Мамардашвилининг сўзларига кўра, муҳандислик ва технология асрида фалсафа ҳалигача ўзингизни, бошқа одамларни ва дунёни билиш йўлида зарур бўлган, мустақил, масъулиятли, баркамол тафаккурни шакллантириш йўлида керак бўлган кучли интеллектуал воситадир. «Биз фуқаро бўлишимиз учун, – деб ёзади файласуф, – яъни ижтимоий жиҳатдан баркамол яшаш учун, биз ўзимизга, бизнинг қобилятимизга оид баъзи мавҳум ҳақиқатларни тушунишимиз керак».

Замонавий таълим маълум бир ҳаракатлар тўпламини бажаришга қодир бўлган функционал мутахассисни эмас, балки ўқитиш ва ўргатишни талаб қилади. Бугунги кунда олий таълимда маълумотни тезкор равишда қидиришга, содир бўлаётган воқеаларни доимий равишда таҳлил қилишга тайёр бўлган, масъулиятли танловларни амалга оширадиган ва у учун жавобгар бўлган малакани шакллантириш керак. Албатта, касбий фанлар ушбу вазифаларга жавоб берадиган баъзи компетенцияларни шакллантиришга ёрдам беради. Аммо маҳсус фанлар методологик жиҳатдан чекланган, шунинг учун улар инсон ва жамият ўртасидаги муносабатлар, касбий фаолиятда зарур бўлган ахлоқ нормалари, ахлоқий ва эстетик кадриятлар тўғрисидаги саволларга жавоб бера олмайдилар.

Кўпинча, профессионал фанларни ўқитиш жараёнида бундай муаммолар ҳатто кўтарилмайди. Масалан, иш этикасини ўргатишдаги тажриба шуни кўрсатадики, менежмент факультети талабалари муваффақиятли бизнеснинг «даромадни кўпайтириш» қондасини мукамал ўзлаштирадидилар. Касбий фаолият ахлоқи билан танишиш, одатда, жуда кўп ҳайратга сабаб бўлади: қандай қилиб бизнес юритиш қоидаларини ахлоқий меъёрлар билан уйғунлаштириш, қандай қилиб ҳам тадбиркор, ҳам ахлоқий масъулиятли шахс бўлиш мумкин? Бундай саволларни бериш ва уларга жавоб излашга ҳаракат қилиш фалсафий фанларнинг вазифасидир.

Ахборот технологиялари соҳасида муваффақиятли ишбилармон сифатида танилган россиялик тадбиркор Дмитрий Волков ўзининг фалсафага бўлган муносабатини шундай таърифлайди: «Мен учун фалсафа бу дунёда яшашнинг бир усули. Мен атрофимда кўп воқеаларни кўрмоқдаман, булар сиёсатдан тортиб фан ва технологияга қадар бўлган тарқоқ, бўлакча ҳикоялар. Менга уларни бирлаштиришга имкон берадиган тизим керак. Ва бундай

тизим – фалсафадир» [12]. Д.Волков ўзининг касбий маҳоратини ривожлантиришда фалсафанинг ролини юқори баҳолайди, у доимий равишда ўз ишида фалсафий схемалар ва тушунчаларни қўллайди. Унинг сўзларига кўра, танқидий фикрлаш қобилияти нафақат олим, балки бизнесмен учун ҳам зарурдир. Бошқа фанлардан фарқли равишда, фалсафа танқидий фикрлаш ва қизиқувчан ақлнинг асосини ташкил этади, бизни нафақат ҳаракатларимиз учун, биринчи навбатда, ҳар бир фикр ва сўзларимиз учун масъул бўлишга ўргатади. “Фикрлашнинг тиниклиги – бу инсоннинг фикрлаш билан боғлиқ бўлган ахлоқий бурчидир”, дейди М. Мамардашвили.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, Фан ва Маданият Ташкилоти (ЮНЕСКО) ҳар доим фалсафий дунёқарашни шакллантиришга катта аҳамият бериб келган. Ташкилот ахлоқий ва интеллектуал воситалар орқали фалсафа нафрат, адоват, обскурантизм ва нотўғри фикрлардан холи дунёни мустаҳкамлашга ёрдам беради, деб ҳисоблайди. 1995 йилда ЮНЕСКО томонидан ташкил этилган «Дунёдаги фалсафа ва демократия» халқаро илмий конференцияси иштирокчилари томонидан қабул қилинган «Фалсафа бўйича Париж декларацияси»да таъкидланганидек, «фалсафа таълими одамлар ва гуруҳлар ўртасидаги муносабатларда онг, фуқаролик жавобгарлиги, ўзаро тушуниш ва бағрикенгликни ривожлантиришга ёрдам беради. Фалсафани ўқитиш тарғиботнинг турли шаклларида бардош бера оладиган мустақил фикрли одамларни шакллантириш, ҳар бир кишини замонавий дунёнинг энг жиддий муаммоларини, хусусан ахлоқий масалаларини ҳал қилиш учун жавобгар бўлишга тайёрлайди. Таълим ва маданий ҳаётда фалсафий мунозараларнинг ривожланиши, одамларни ҳар қандай демократия учун асос бўлган мулоҳаза қилиш қобилиятига ўргатиш уларнинг фуқаролар сифатида шаклланишига муҳим ҳисса қўшади»[13]. Декларациянинг эълон қилинган принциплари орасида, фалсафа таълимини кенгайтириш кераклиги, у мавжуд бўлмаган жойларда жорий этиш зарурлиги таъкидланди.

Хулоса. Юқорида келтирилган фикрларни умумлаштириб шундай хулосага келишимиз мумкин:

Биринчидан, фалсафа бошқа фанлар учун методологик асос вазифасини бажаради, холбуки фалсафа барча фанлар учун билиш назариясидир. Фанлар ўртасидаги радикал дифференциаллашув ва фрагментарлашувда фақат фалсафагина умумий интеграцияни таъминлай олиши мумкин;

Иккинчидан, фалсафий таълимнинг тараққиёти узоқ тарихий анъаналарга асосланади. Хусусан, фалсафанинг олий таълимда ўқитилиши Ўрта асрлар Европа университетларида шаклланди. Фалсафанинг ҳукмрон кучлар амбицияларидан холи равишда фақат ҳақиқат принципига бўйсунуши ва унинг танқидийлик хусусияти мавжуд муаммоларни ҳолис идрок этиш имконини берди. Фалсафа тарихан буюртмаларни бажарувчи фаолият соҳаси сифатида эмас, балки эркин ижодий фаолият соҳаси сифатида ривожланган ва ҳар бир тарихий даврдаги ижтимоий онгнинг рефлексиясини амалга оширган. Фалсафа ҳозирда ҳам тарихий анъанани давом эттириб мустақиллик мақомини сақлаб қолиши лозим. Зеро, эркин бўлмаган фалсафа фалсафа эмас;

Учинчидан, ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги босқичида рационал-прагматик тафаккур доминант ўринни эгаллади, бу ўз навбатида кадрлар тайёрлаш тизимига тор доирадаги профессионал мутахассислар тайёрлаш вазифасини устувор қилиб қўймоқда. Ушбу жараёнлар ижтимоий-гуманитар фанларга, хусусан фалсафага нисбатан амалий бўлмаган кераксиз фан сифатидаги оппортунистик муносабатнинг кучайишига олиб келди. Бундай тенденция оҳир-оқибатда олий таълимда фалсафий таълимни қисқартиришга сабаб бўлмоқда. Бундай шароитда фалсафа алоҳида мутахассисликларга нисбатан ихтисослашиши керак, зеро унда бундай имконият мавжуд. Шунингдек, давлатнинг кадрлар тайёрлаш сиёсати прагматик-технократик талаблар асосига қурилганлиги инсон ва жамият ҳаёти фақатгина иқтисодий эҳтиёжларга боғлиқ деган тор даражадаги тасаввурнинг мутлақлашуви натижасидир. Зеро, ижтимоий тараққиёт маънавий идеалларсиз, халқнинг умумий тафаккур даражасининг юксалишисиз амалга ошмайди. Бунда фалсафа ва фалсафий таълимнинг аҳамияти беқиёс

бўлиб, файласуф олимлар бу ҳақда оммавий ахборот воситаларида ўз позицияларини фаол намоиш этишлари лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Dummett M. The place of philosophy in European culture / M. Dummett // European Journal of Analytic Philosophy. – 2012.
2. Кант И. Спор факультетов, 1798 / И. Кант // Сочинения: в 6 т. / И. Кант. – М.: Мысль, 1966.
3. Benner D. Wilhelm von Humboldts Bildungstheoriye. Eine Problemgeschichtliche Studiye zum egründungszusammenhang neuzeitlicher Bildungsreform / D. Benner. – Weinheim und München: Juventa Verlag, 1990.
4. Гегель Г. О преподавании философии в университетах / Г. Гегель // Работы разных лет: в 2 т. / Г. Гегель. – М.: Мысль, 1970.
5. Семенов Н. Топос. // Философско-культурологический журнал. – 2012.
6. Гиппократ. Клятва. Закон. О враче. Наставления / Гиппократ. – Минск: Современная литература, 1998.
7. Руткевич А.М. Философия в истории высшего образования: препринт WP/2014/02. – М.: Изд. дом Высшей школы экономики, 2014.
8. Эйнштейн А. Замечания к статьям // Собр. науч. трудов, Т. ИВ. — М.: Наука, 1967.
9. Гейзенберг В. Шаги за горизонт // Избранные философские работы. Спб.: Наука, 2006.
10. Мамардашвили М.К. Философия – это сознание вслух // Как я понимаю философию. — М.: Прогресс, 1990.
11. Библиер В.С. Диалог культур и школа XIX века //Школа диалога культур. Идеи. Опыт. Проблемы. – Кемерово: АЛЕФ, 1993.
12. Волков Д. Философия делает этот мир уютнее [Электронный ресурс] УРЛ:http://www.gq.ru/taste/social/148866_dmitriy_volkov_filosofiya_delaet_etot_mir_uyutnee.php?sphrase_id=1583579.
13. Парижская декларация по философии [Электронный ресурс] УРЛ: <http://unesdoc.unesco.org/images/0013/001386/138673r.pdf>.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕНЕССАНСИ ЖУРНАЛИ

ЖИЛД 5, СОН 1

ЖУРНАЛ РЕНЕССАНСА ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

ТОМ 5, НОМЕР 1

JOURNAL OF CENTRAL ASIAN RENAISSANCE

VOLUME 5, ISSUE 1

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000